



PERSONAL AND SOCIO-DEMOGRAPHIC CHARACTERISTICS OF PERSONS VICTIMS OF CRIMES INTENSE MURDER

Nodirjon S. Kasimov

Deputy Director for Academic Affairs of the Tashkent Academic Lyceum No. 2 of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, independent researcher of the doctoral program of the Ministry of Internal Affairs of the Academy

nodirkasimov8151@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Intentional murder, victim, offender, victimization, social factors, demographic factors, aggression, victimological prevention, socio-demographic characteristics.

Received: 20.01.26

Accepted: 21.01.26

Published: 22.01.26

Abstract: This article discusses the characteristics of the victims of the murders. In addition, the types, classification, socio-demographic characteristics of the victims of the crime of premeditated murder and their role in the committed crimes of premeditated murder are revealed. The reasons for the deliberate murders committed today are studied and the main factors in the organization of their victimological prevention are shown. By studying the identity of victims of intentional homicide, opportunities are created to prevent this type of crime.

ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТИДАН ЖАБРЛАНГАН ШАХСЛАРНИНГ ШАХСИЙ ВА ИЖТИМОЙЙ ДЕМОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Нодиржон С. Касимов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сон Тошкент академик лицейи директорининг ўринбосари, ИИВ Академияси мустақил изланувчиси.

nodirkasimov8151@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Қасддан одам ўлдириш, жабрланувчи, жиноятчи, виктимлик, ижтимоий омиллар, демографик омиллар, тажжавуз, виктимологик профилактика, ижтимоий-демографик хусусият.

Аннотация: Ушбу мақолада қасддан одам ўлдириш жиноятларида жабрланувчи шахсларнинг ижтимоий-демографик хусусиятлари тўғрисида гап боради. Бундан ташқари қасддан одам ўлдириш жинояти жабрланувчиларининг турлари, таснифи ва уларнинг содир этилган қасддан одам ўлдириш

жиноятларида тутган ўрини очиб берилади. Хозирги кунда содир этилаётган қасддан одам ўлдириш жиноятларининг сабаблари ўрганилиб уларни виктимологик профилактикасини ташкил этишнинг асосий омиллари кўрсатиб ўтилган. Қасддан одам ўлдириш жиноятлари жабрланувчиларининг шахсини ўрганиш орқали бундай турдаги жиноятларнинг олидини олиш имкониятлари яратилади.

ЛИЧНЫЕ И СОЦИАЛЬНО-ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ЛИЦ ПОСТРАДАВШИХ ОТ ПРЕСТУПЛЕНИЯХ УМЫШЛЕННОЕ УБИЙСТВО

Нодиржон С. Касимов

заместитель директора по учебной части Ташкентского академического лицея № 2 МВД Республики Узбекистан, независимый исследователь МВД Академии

nodirkasimov8151@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Умышленное убийство, потерпевший, преступник, виктимизация, социальные факторы, демографические факторы, агрессия, виктимологическая профилактика, социально-демографическая характеристика.

Аннотация: В данной статье рассматриваются характеристики потерпевших от умышленных убийств. Кроме того, раскрываются виды, классификация, социально-демографические характеристики потерпевших от преступления умышленного убийства и их роль в совершенных преступлениях умышленного убийства. Изучены причины совершаемых сегодня умышленных убийств и показаны основные факторы организации их виктимологической профилактики. За счет изучения личности потерпевших от умышленных убийств создаются возможности для предотвращения данного вида преступлений.

Кириш. Мамлакатда қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, қонунбузарликнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, умуман, ҳозирги иқтисодий ислохотлар даврида қонун устуворлигини таъминлаш ҳар бир мутасадди раҳбар ва айниқса, ҳуқуқ-тартибот идораларининг долзарб вазифаси бўлиб қолиши керак.

Сўнгги йилларда жиноят жабрланувчисини шахси ва ҳуқ-атворини ўрганиш олимлар ва амалиётчиларнинг эътиборини тобора ортиб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки, айрим ҳолларда жиноят содир этиш тўғрисидаги якуний қарор кўп жиҳатдан жабрланувчиларнинг

хатти-ҳаракатлари ва уларнинг шахсий хусусиятларига боғлиқ. Фақатгина жиноий ҳуқ-атвор механизмини (жиноят жабрланувчисининг шахси унинг таркибий элементи ҳисобланади) ўрганиш орқали жабрланувчининг шахсияти ва ҳуқ-атворини ҳисобга олган ҳолда, қасддан одам ўлдириш жиноятларнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар ишлаб чиқиш мумкин. Қилмишига адекват бўлган таъсир чораларини объективроқ белгилаш лозим.

Шу муносабат билан В.Я. Рибалская шундай ёзади: “Жиноятчи ва жабрланувчининг уларнинг фаолиятида намоён бўлган шахсий хусусиятларини таққослаш бизга саволларга жавоб беришга имкон беради: низонинг жиноятга айланишининг мезонлари қандай, ҳақиқий ҳиссаси қандай? жиноятчининг ҳам, унинг жабрланувчисининг ҳам бу ривожланишига ҳиссаси қандай” [1].

Тадқиқотнинг усуллари. Криминолог олимларлар ўртасида бу позиция тан олинган бўлиб, унга кўра шахс умуман мураккаб сифат билан шаклланадиган икки омилнинг ўзаро таъсири - ижтимоий ва биологик. Эҳтимол, шахснинг тўғри шаклланишига, унинг ижтимоийлашувига тўсқинлик қиладиган биологик дастлабки маълумотлар салбий бўлиши ва инсоннинг нормал ақлий ривожланишини бузиши ва ғайритабиий ёки патологик ҳодисаларга олиб келиши умумий қабул қилинган [2].

Психология нуқтаи назаридан, шахсни яхлитлик, унинг индивидуал хусусиятларини, шунингдек, хусусиятлар деб аталадиган нарсаларни шахс тузилишининг элементлари сифатида кўриб чиқиш мумкин. Барча шахсий хусусиятлар ҳар қандай шахсга хос бўлган учта асосий қуйи тузилмада жамланган.

Биринчи қуйи тузилмага шахснинг манфаатлари, интилишлари, идеаллари, унинг индивидуал дунёқараши, ахлоқий ва сиёсий эътиқоди, ўзига, меҳнатига ва бошқа одамларга муносабати киради. Ушбу қуйи тузилма фақат ижтимоий жиҳатдан белгиланади, у одатда “шахснинг йўналиши” тушунчаси билан белгиланади.

Иккинчи қуйи тузилма билим, кўникма ва улар асосида шаклланадиган кўникма ва одатларни ўз ичига олади. Ушбу қуйи тузилма шахсни ўрганишини белгилайди. Унга киритилган шахсият элементлари биринчи қуйи тузилманинг элементларини шакллантириш учун асос бўлади.

Учинчи қуйи тузилма асосан биологик жиҳатдан аниқланган фазилатлар бўлиб, улар одатда темперамент ёки типологик шахс хусусиятлари деб аталади. Ушбу хусусиятлар асосий бирламчи жараёнларнинг кучи, мувозанати ва ҳаракатчанлиги хусусиятларини аниқлаганлиги сабабли, ушбу қуйи тузилма умуман шахснинг ривожланиши учун биологик асос бўлиб хизмат қилади [3].

Ушбу қуйи тузилмаларнинг ҳеч бири автоном бўлиши мумкин эмас, чунки уларнинг барчаси маълум муносабатларда бўлиб, инсоннинг ягона ижтимоий-биологик мазмунини ташкил қилади. Инсонни организм ва шахс сифатида кўриб чиқиш, унда табиий ва ижтимоийни бирлаштиришга имкон беради [4].

Бироқ, субъектнинг шахсий хусусиятлари ва унинг хатти-ҳаракатларининг ўзаро таъсири ва сабаб-оқибат муносабатлари биринчи қарашда кўринадиганидан анча мураккаброкдир.

Потенциал жабрланувчининг ҳуқ-атвorigа таъсир қилувчи турли хил шахсий фазилатлар хатти-ҳаракатлари таъсирида ижобий ёки аксинча, ноқулай йўналишда маълум ўзгаришларга дуч келиши мумкин.

Натижалар. Шахснинг ижобий фазилатлари инсон хатти-ҳаракатларига ижобий таъсир кўрсатади. Улар субъект томонидан мавжуд вазиятни танқидий ва шунинг учун тўғрироқ баҳолашга ҳисса қўшади, унинг салбий ҳис-туйғуларини ушлаб туради, ижтимоий ижобий хатти-ҳаракатлар шакллари ривожлантириш учун имконият яратади. Охир оқибат, бундай хусусиятлар одамга қўплаб мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ушбу муайян вазиятда энг зиддиятли ҳаракатларни танлашга ёрдам беради ва шу билан ходисаларнинг виктимологик нуқтаи назаридан у учун ноқулай бўлган йўналишда ривожланиш эҳтимолини камайтиради. Аксинча, шахснинг салбий фазилатлари салбий муносабат ва одатларнинг шаклланишига ёрдам беради, бу эса ўз навбатида шахснинг номақбул, ахлоқсиз хатти-ҳаракатларини кучайтиради, ўзини ўзи танқид қилишни камайтиради ва ўзини тута билишни сусайтиради. Салбий шахсий фазилатларнинг ташувчиси, психологик тузилиши бундай хусусиятларга эга бўлмаган, бепарво ва баъзан аниқ провокацион бўлиши мумкин бўлган бошқа одамларга қараганда кўпроқ муайян шароитларда ҳар доим мукамал бўлмаган жавобга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар, бошқаларнинг реакциясидир.

Қасддан одам ўлдириш жиноятлар жабрланувчиларининг жиноят содир этилишидан олдинги вазиятдаги, жиноят содир этилган пайтдаги ва у тугаганидан кейин хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қўплаб жабрланувчиларда бемаънилик, ҳаддан ташқари ўзини ўзи қадрлаш, жаҳлдорлик, худбинлик, ахлоқий нопоклик, заиф ирода ва бошқа салбий хусусиятлар мавжуд. Албатта, бу салбий хусусиятларнинг бутун мажмуи ҳар қандай турдаги жиноят жабрланувчиларининг ҳар бирининг шахсиятини тавсифлаши шарт эмас. Бундан ташқари, амалиёт шуни кўрсатадики қасддан одам ўлдириш жинояти жабрланувчилари, одатда ўзига хос салбий шахсий хусусиятларга эга. Жумладан, қасддан одам ўлдириш жиноят жабрланувчиларининг салбий шахсий фазилатлари қаторида, биринчи навбатда, ўзини тута олмаслик, жаҳлдорлик, бемаънилик, бошқалардан устунлик

хисси ва заиф иродани айтиш керак. Албатта, бу турдаги жиноятларни таҳлил қилиш жабрланувчининг шахсиятида бу ерда тилга олинмаган бошқа хусусиятларни ҳам кўрсатиши мумкин. Бироқ, бу турдаги жиноятларнинг массасида улар унчалик аниқ ифодаланмаган.

Адабиётларда жиноят жабрланувчиси шахси тузилишининг бошқа вариантлари ҳам мавжуд. Масалан, А. А. Глухова жабрланувчининг шахси билан боғлиқ қуйидаги омилларни аниқлайди:

а) биологик омиллар; - ижтимоий омиллар; б) ахлоқий-психологик хусусиятга эга омиллар; в) ижтимоий-психологик характердаги омиллар [5].

Қасддан одам ўлдириш жинояти жабрланувчисини шахсининг таркибий элементлари орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш керак: ижтимоий-демографик ва жиноий-ҳуқуқий хусусиятлар; жамият ҳаётининг турли соҳаларида ижтимоий кўринишлар; ахлоқий хусусиятлар; психологик хусусиятлардир.

Ижтимоий-демографик белгиларга қуйидагилар киради: жинси, ёши, маълумоти, ижтимоий мавқеи ва касби, оилавий аҳволи, шаҳар ёки қишлоқ аҳолисига мансублиги, моддий аҳволи, турмуш шароити ва бошқалар [6].

Қасддан одам ўлдириш жиноят жабрланувчисининг умумий ижтимоий-демографик портретини ўрганиш учун биз Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судларида охириги уч йилда қўрилган 100 дан ортиқ жиноий иш материалларини ўргандик ва мазкур жиноятлардан жабрланганлар бўйича тадқиқот ўтказилди.

Кўпинча эркаклар аёлларга қараганда кўпроқ қаршилик кўрсатиш қобилиятига эга, аммо уларнинг хатти-ҳаракатлари кўпинча тажовузкор ва шунинг учун кўпинча улар билан тўла муҳит яратади, қарши курашиш жараёнида уларга зарар етказиш эҳтимоли кўпроқ. Шунинг учун эркак жабрланувчилари сони аёлларга қараганда кўпроқдир.

Ўрганилган жиноий ишлар материалларида асосида аёллар, спиртли ичимликларга ружу қўйганлар, нотинч турмуш шароитини кечирувчилар ва бошқалар қасддан одам ўлдириш жинояти жабрланувчиси бўлади деган фикрни тасдиқлади.

Шахсининг ижтимоий-демографик хусусиятларини кўрсатадиган яна бир кўрсаткич ёшдир. Ёш - инсон ривожланишининг жисмоний ва руҳий жараёнларида маълум сифат ўзгаришлари билан тавсифланган давр; уларнинг курсида алоҳида қонуниятларга бўйсунди. Айрим муаллифларнинг фикрича, жабрланувчининг таълим даражаси ва виқтимлиги ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд [7].

Агар кексалар ва болалар учун бу биринчи навбатда жисмоний ночорлик билан белгиланса, энг фаол ёш тоифалари учун салбий хатти-ҳаракатлар билан белгиланади. 30 ёшдан кейин тажовузкорликнинг маълум бир пасайишини таъкидлаш керак, агар 30 ёшгача

жиноятчиларнинг улуши тегишли ёшдаги жабрланувчилар улушидан кўп бўлса, у ҳолда 31 ёшдан бошлаб, аксинча, жабрланувчилар улуши бир хил ёшдаги жиноятчилар улушидан юқори. Қасддан одам ўлдириш жинояти жабрланувчилари одатда жиноятчиларга қараганда анча ёшроқдир, аммо бу маълумотни истисносиз деб айтиш мумкин эмас. Муайян жиноятларда айбдор ва жабрланувчи бир ёшда бўлиши мумкин. Жабрланувчи жиноятчидан каттароқ бўлиши ҳам мумкин [8].

Албатта, шахснинг жабрланувчи бўлиши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши учун фақат ёшнинг ўзи шарт эмас. Фақат ўзаро боғлиқ белгилар мажмуасида жабрланувчининг ҳам, жиноятчининг ҳам ёш хусусиятлари маълум маънога эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, жабрланувчиларнинг ёши ҳақидаги маълумотлар уларнинг ижтимоий-демографик “портрети”ни қисман очиб беради. Ёшга боғлиқ бўлган виктимологик профилактикасининг самарали чораларини ишлаб чиқиш асос қилиб олинган жабрланувчи шахсининг ўзига хос хусусияти, шунингдек, жабрланувчининг ижтимоий мавқеи ва маълумоти тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдирилиши керак.

Жабрланувчининг ижтимоий мавқеи, унинг таълим даражаси, турмуш тарзи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган хусусиятлар бўлиб, виктимлик механизмини тушунишга ёрдам беради.

Шахснинг ижтимоий-демографик портретининг муҳим элементи ижтимоий мавқеи каби позициядир. Тор маънода олиб қараганда, у шахснинг иш билан бандлиги турларини, биринчи навбатда, унинг ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий соҳаларида иштирок этиши (ёки қатнашмаслиги) нуқтаи назаридан кўрсатилади.

Қасддан одам ўлдириш жинояти жабрланувчиларининг шахсини криминологик тавсифлаш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Асосийси, янги қотиллик генезисини тушуниш нуқтаи назаридан, шахснинг ижтимоий-демографик ва психологик параметрларининг қиймати нисбатан пасаяди ва шунга мос равишда мақомнинг қиймати, роли ошади. Жабрланувчи ва жиноятчининг ёши, оилавий аҳволи, психологик фазилатлари янги қотилликлар нима учун содир этилишини тушуниш учун унчалик муҳим эмас, балки улар жамият ҳаётида эгаллаган ижтимоий жойидир. Янги қасддан одам ўлдириш жинояти нишонига айланган одамлар орасида оила турмуш шароитида маиший муаммолар орқали жанжалкаш оилага айланган оилалар энг катта улушни ташкил қилади. Уларнинг деярли ярми ана шундай шахслар қаторига киради. Кўпинча жиноий хуружлар жабрланувчиларининг хусусиятлари жиноят содир этган шахсларнинг хусусиятларига ўхшаш бўлиб, жабрланувчилар жиноят содир этишда бевосита иштирок этишлари мумкин ёки бўлганлар, уларга нисбатан содир этилган жиноятлар эса уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ.

Ушбу турдаги жабрланувчиларга қуйидагилар киради:

а) оила турмуш шароида бирга ҳаёт кечираётган аёллар.

б) мунтазам спиртлик ичимликлар истеъмол қилиб, спиртлик ичимликларга ружу қўйганлар [9].

Жабрланганларнинг бандлиги ва ижтимоий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар шунини кўрсатадики, энг кўп жабрланган аҳоли гуруҳларига ишсизлар ва ноишлаб чиқариш секторида банд бўлганлар киради. Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири айрим фуқароларнинг фойдали меҳнат фаолияти билан шуғулланишнинг истамаликларидир. Шунини таъкидлаш керакки, Ўзбекистон иқтисодиёти сўнги йилларда сезиларли ривожланиб бормоқда, доимий равишда янги иш ўрнилари яратилиб аҳолининг бандлик даражаси ошиб бормоқда. Мамлакат иқтисодиёти ривожланиб бориши билан бирга ноишлаб чиқариш соҳасига (савдо, хизмат кўрсатиш) соҳаси ҳам ривожланиб бормоқда.

Шунини ҳам таъкидлаш керакки, одамлар ҳаётининг ушбу соҳаси доимий равишда пул муомаласи билан боғлиқ бўлиб, бу соҳада ишлайдиган одамларнинг виқтимлик даражасини хавфини оширади [10]. Айрим олимларнинг тадқиқотларга кўра, уй ва оилада содир этилган қасддан одам ўлдиришнинг 69 фоизи оилавий можаролар билан боғлиқ. Ишсизлар кўп бўш вақтга эга бўлиб, улар асосан спиртли ичимликлар ва унинг ўрнини босувчи моддаларни истеъмол қилиш, бунинг учун маблағ излаш ва тасодифий шубҳали танишлар билан банд. Ҳар учинчи жиноятчи ҳеч қерда ишламаган. Қасддан одам ўлдириш жиноятларини содир этган ишламайдиган жиноятчилар салмоғи бундан ҳам юқори - 36,3% ташкил этган. Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахсларнинг деярли тўртдан бир қисми ҳеч қандай иши бўлмаган ва ҳеч қерда ўқимаган. Шубҳасиз, 80% ҳолларда аниқланган жиноятгача бўлган ва жиноий вазиятларда жабрланувчиларнинг айбли хатти-ҳаракати билан уларнинг жиноят иши тезлашади [11].

Биз ўрганган жиноят ишларини жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш жабрланувчи ва жиноятчи ўртасидаги етти турдаги ижтимоий алоқаларни аниқлаш имконини берди: 1) никоҳ; 2) оилавий муносабатлар; 3) қўшничилик муносабатлари; 4) хизмат муносабатлари; 5) тасодифий танишиш; 6) билвосита танишиш; 7) таниш эмас.

Эмпирик тадқиқотлар жараёнида жиноятчи ва жабрланувчи ўртасида шаклланган уч турдаги муносабатлар аниқланган. Уларни фарқлаш мезони айнан уларнинг характери эди.

1) Яхши, ҳеч қандай низолар ва қарама-қаршиликлар бўлмаганда, ўзаро алоқада бўлган шахсларнинг жуда яқин ва яқин алоқалари билан ажралиб туради.

2) Нейтрал - одамлар ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқлигини кўрсатадиган бефарқ муносабатлар, ноёб эпизодик учрашувлар бундан мустасно, низоларнинг йўқлиги билан ҳам тавсифланади.

3) Душманлик, томонларнинг маълум бир қарама-қаршилиги, рақобат, кескинлик, зиддиятнинг мавжудлиги билан тавсифланади.

Муҳокама. Жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги жуда кенг тарқалган муносабатлар узоқ ва шиддатли шахсий, кўпинча яқин муносабатлардир. “Маиший қотиллик сабабларидан бири бўлган душманлик муносабатлари, аста-секин ривожланади, кўпинча ташқи кўринишда жуда аниқ ифодаланади ва уларнинг ижтимоий хавфлилиги нуқтаи назаридан шубҳа туғдирмайди” [12].

Баъзан, қасддан одам ўлдириш жиноятларида жабрланувчи жиноятчини “шакллантиради” ва “тарбиялайди”. Кўпинча жабрланувчи жиноятчининг ривожланишини яқунлайди. Бу, айниқса, озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаган шахслар томонидан содир этилган қасддан одам ўлдириш жиноятларига тааллуқлидир; бу ерда кўп ҳолларда жабрланувчи қасддан одам ўлдириш жинояти жабрланувчиси бўлишга “сўзсиз” рози бўлади, жиноятчи билан ҳамкорлик қилади, уни қўзғатади, муайян ҳаракатларга ундайди, бу хатти-ҳаракатлар унинг ҳаётига ҳалақит бериши мумкинлигини ўйламайди. Кўпинча бу жиноятчи ва жабрланувчи спиртли ичимликларни истеъмол қилганда, гиёҳванд моддаларни биргаликда сотиб олган ва истеъмол қилганда, ўғирланган пулларни, қимматбаҳо нарсаларни, нарсаларни ва ҳоказоларни баҳам кўришда содир бўлади. Адабиётда таъкидланганидек, сабабий боғлиқлик элементларининг ўзаро таъсири ва алмашинуви мавжуд [13].

Жиноятчининг муҳитини жабрланувчининг муҳити билан солиштириш муҳим роль ўйнайди, бунинг ёрдамида жиноятчи ва жабрланувчини аниқроқ тавсифлаш мумкин.

Биринчидан, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, аксарият ҳолларда жиноятчи ва унинг жабрланувчиси бир хил ижтимоий беқарор муҳитга тегишли, уларнинг иккаласи ҳам ажратилган элементларнинг вакиллари. Асосан, жиноятчи ва унинг жабрланувчиси мунтазам оила турмуш шароитида муаммоларга дуч келиб жанжаллашадиганлар, ақлий ривожланиш имкониятлари чекланганлар, беҳуда турмуш тарзини олиб борувчилар, спиртли ичимликлар ичишга ружу қўйганлар, безорилар, умуман олганда бу чегаравий муҳитдир.

Иккинчидан, бу ҳақда ҳам айтиб ўтилди, жиноятчилар ёки жабрланувчиларнинг учдан бир қисми муқаддам судланган шахслардир. Уларнинг кўпчилиги судланмасидан олдин ҳам жиноий фаолият билан шуғулланган, айримлари жазони бирга ўтаган ва жазони ўтаб бўлгач, яна жиноий йўлга киришган. Бу нафақат кундалик ҳаёт ва дам олиш соҳасига, балки

иктисодий соҳага, одамлар ҳаётининг бошқа соҳаларига ҳам тегишли. Умумий баҳо қуйидагича: жиноятчилар ва уларнинг жабрланувчилари, агар мутлақо тўғри бўлмаса, жуда ўхшаш ижтимоий шароитлар билан тавсифланади. Улар ҳатто бир хил хулқ-атворга эга, шунинг учун жиноий хатти-ҳаракатлар ва жабрланувчининг хатти-ҳаракати кўпинча бири-бирига яқинлашади.

Хулоса. Қасддан одам ўлдириш жинояти жабрланувчиларининг шахси ва хулқ-атворини виктимологик ўрганиш ўз-ўзидан мақсад эмас, балки профилактик тавсиялар ишлаб чиқиш учун асосдир. Жабрланувчининг шахсини ўрганиш жиноий вазиятни тушуниш ва ҳолисона баҳолашга, жабрланувчининг ноқонуний хатти-ҳаракатларининг жиноят содир этган шахснинг руҳияти, онги ва иродасига таъсир қилиш даражасини аниқлашга ёрдам беради, шу орқали қилмишни тўғри квалификация қилади, жавобгарлик ва жазони индивидуаллаштириш, ушбу жиноятларнинг олдини олишга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рыбальская В.Я. Виктимологические исследования в системе криминологической разработке проблем профилактики преступлений несовершеннолетних и вопросы борьбы с преступностью - М., 1980. Вып. 33. - С.34.
2. З.А. Астемирова Криминология. Курс лекций / По ред. - Махачкала, 2009. - С.34
3. Рустамбаев.М.Х., Ниёзова.С.С. Виктимология. Умумий қисм. – Тошкент-2021. – 173-бет.
4. Криминология. Учебное пособие. /Под ред. проф. Н.Ф. Кузнецовой. - Москва 2004. - С.67
5. Глухова А.А. Виктимологические факторы преступности: Дис. канд.юрид.наук, - Нижний Новгород. 1999. -С.65-66
6. Рустамбаев.М.Х., Ниёзова.С.С. Виктимология. Махсус қисм. Ўзбекистон Республикаси Жамоат Ҳавфсизлиги университети босмаҳонаси – Тошкент-2021. – 87-бет.
7. Ковалев А.Г. Психология личности. - Москва - 1990. - С. 321.
8. Ривман Д.В. Криминальная виктимология. - СПб., 2012. - С.115.
9. Исмаилов.И, Абдурасулова.Қ.Р. Криминология. Махсус қисм. Дарслик –Т .: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015-298-бет
10. Мухитдинов Ф.М. Виктим хулқ-атворга эга жабрланувчиларнинг виктимологик профилактикаси // Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари: назария, амалиёт ва қонунчилик таҳлили: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2022 йил 31 март) / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Қ.Р. Абдурасулова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – 79-бет.

11. Варчук.Т.В., Вишневецкий.К.В. Виктимология – учебное пособие. “Закон и право” Москва-2017. - С-114
12. Горбатовская Е.Г. Характеристика потерпевших от убийств (опыт конкретного криминологического исследования)// Криминологическая характеристика убийств. Сб. научных трудов. - М. 1997. С.42
13. Алиев Г.А., Сафиуллин Н.Х, Умышленные убийства: их особенности, классификация и предупреждение. - М., 1996. - С. 18.